

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, DEKABR,
№ 24 (558)

BUKHORO YOSHLARI

ЯНГИ 2026 ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН!



ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС “BUKHORO YOSHLARI”

замонавий дизайн, мазмун ва илҳом манбаи бўлган газета

Янги йилда барча юртдошларимизга чинакам шодлик ва бахт тилаган ҳолда саҳифамизга вилоятимиз матбуотининг гуллаб-яшнашида елкадош турган соҳа вакиллари таклиф этиб, “Buxoro yoshlari” газетаси ҳақидаги фикрлари ва самимий тилакларини эътиборингизга ҳавола этишни жоиз топдик.

**Шавкат Раҳмонов,
Бухоро вилояти Ёшлар ишлари
бошқармаси бошлиғи:**

- Муассислигимиздаги “Buxoro yoshlari” газетасини доимий равишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Шунга ҳамоҳанг Таҳририят жамоасининг ҳам тинимсиз изланишлар орқали ўз дизайни, ранг-баранг саҳифалари ва ажойиб мақолаҳо хабарлари билан муштариолар қалбидан жой эгаллаётганидан хурсандман. Бугун ахборот технологиялари жамиятни забт этаётган бир паллада кўплаб нашрларнинг иқтисодий қийин аҳволда қолгани кўпчилигимизга маълум. Шундай бир шароитда ҳам ёшлар нашри ўз газетхонлари томонидан илқ қаршиланмоқда. Бу, албатта, қувонарли. Айниқса, Таҳририят томонидан турли танлов ва лойиҳаларнинг ҳам эълон қилиб борилиши газета мутолааси тарғиботини янада кучайтиришга хизмат қилаётти.

Замон билан ҳамнафас бораётган босма нашр 2025 йилдан янги технологик лойиҳа усулда чоп этила бошланди. Унинг саҳифаларидаги хабар ва мақолаларга оид видеолавҳаларни QR код орқали томоша қилиш мумкин. Бу эса нашрнинг янада оммабоп бўлишига хизмат қилмоқда. Газетанинг янги йилда янада янги ғоялар ва янгича ижодий ишлар билан ўқувчиларни мамнун этишига тилақдошман.



**Гулшода Ибрагимова,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси Бухоро вилояти
бўлими раиси**

- Ёшлар ишлари бошқармаси муассислигидаги “Buxoro yoshlari” газетаси вилоятимиз нашрлари ичида газетхонлари сонининг ошиб бораётгани билан бизни қувонтиради. Замон билан ҳамнафас, ёш авлод ўртасида келажакка бўлган интилиш ва шижоат, куч-ғайрат ва бошқа эзгу амалларга бўлган тарғиботни кучайтиришда ўнг қўл вазифасини бажара олаяпти, десам адашмаган бўламан. Газетанинг дизайни ҳам мукамаллашиб, сайқаллиб бораётгани бор ҳақиқат. Бу ўз навбатида газетанинг ўқимишлилиги, ғоявий-мазмуний савияси ошиб боришини кафолатлаб беради. Бу йўлда тинмай изланаётган газета жамоасига омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин, деб қоламан.



**Азим Қаландаров,
“Дурдона” нашриёти
директори:**

- “Buxoro yoshlari” газетасини ҳар гал қўлимга олганимда: “Э, қойил, гап йўқ!”-дейман. Унинг саҳифаларида ижодкорларнинг катта авлодидан тортиб, жажжи болажонларнинг ҳам беғубор, самимий шеърларини ўқиб завқланаман. Тўғри, улар ижодида сезиларли даражада камчиликлар бор, албатта. Аммо, газета нима бўлганда ҳам мана шундай истеъдодлар учун мактаб бўлаяпти, десам адашмайман. Ижодий гуруҳга ва бу хайрли ишда бош-қош бўлаётганларга янгидан-янги зафарлар тилаб қоламан. Ва шу ерда, газетани қўллаб-қувватлаб келаётган Муассис, яъни Ёшлар ишлари бошқармасининг эътибори диққатга молик эканини айтиб ўтмоқчиман. Газетанинг ривожини, албатта, Муассиснинг ҳам илмга, китобга ва газетхонликка бўлган эҳтироми ифодасидир.

Бухоро вилояти, Гиждувон тумани марказидан олисда бўлган “Оқработ” маҳалласи
“Оқработ” қишлоғида “IT шаҳарча” иш бошлади.

БУХОРОДАГИ ҚИШЛОҚДА “IT ШАҲАРЧА” ИШ БОШЛАДИ



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича туман ҳокими ўринбосари Жонибек Жумаевнинг маълум қилишича, “Оқработ” маҳалласи ва унга туташ 9 та маҳаллада жами 7,5 мингга яқин ёшлар дастурчилик, график дизайн, киберхавфсизлик ва хорижий тиллар бўйича ўқиш истагини билдирган. Янги ташкил этилган “IT шаҳарча” бир мавсумда 180 нафар, бир йилда эса 700 нафардан ортиқ ўқувчини қамраб олиш имкониятига эга.

“IT шаҳарча”сининг бунёд этилиши тажрибали менторлар ва янги иш ўринларининг ҳам яратилишига туртки бўлди. Шаҳарчада дарс бераётган мутахассислар орасидан маҳаллий ёшлар ҳам катта улушга эга. Соҳани чуқур ўзлаштирган ва амалиётга эга бўлган менторлар танлаб олиниб, ишга жалб қилинган. Натижада марказнинг ўзида 10 га яқин ёш мутахассис доимий иш ўрнига эга бўлган.

- Ёшлар учун замонавий инфратузилмага эга ҳамда фриланс, стартап ва хизматлар учун янги маскан ҳисобланган ушбу “IT шаҳарча” ҳудудидида кутубхона, шахмат хоналари, workout майдончалари ҳамда коворкинг зоналари ҳам барпо этилди. Бу имкониятлар ёшларга дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш, ўзаро мулоқот қилиш, ижодий гоёлар устида ишлаш ва эркин муҳитда дам олиш имконини беради,- деди Жонибек Жумаев.

ҲАР ИШНИ ИШОНЧ БИЛАН БОШЛАГАН МАЪҚУЛ

“Агар менинг фикрим бошқача бўлса, бу сизнинг душманингиз эканлигимни ёки аҳмоқлигимни англатмайди. Бу шунчаки мен бошқача фикрда эканлигимни англатади”

Эдвард Радзинский



- Устозимизнинг китоб ўқинг, кўп нарсга эришасиз ва ҳаётда қийналмайсиз, деган сўзлари жонимга тегди. Ҳар кун битта гапни такрорлашдан чарчамайдиларми? Ростини айтсам, Дониёр, мен эшитавериб чарчадим. Бугун дарсларига кирмайман.

- Дўстим, Шерзод, ахир, уч мартадан бўён кирмайсан дарсларига. Яна “Play station”га борсанми? Китоб ўқисанг, нимаси ёмон: ҳам пулинг тежалади, ҳам вақтинг мазмунли ўтади.

- Э-э, сен ҳам ақл ўргатма! Ўзинг-ку, китоб билан бўлиб ёлғизланиб қолган. Дўстларингни сўнгги марта қачон эслаган эдинг?

Шерзод шундай, деганча қўл силтаб, кетиб қолди. Олийгоҳ дарвозасидан чиқар экан, дўстини ранжитиб қўйганидан бироз афсусланди-ю, аммо, ортига қайтмади. Бир томондан айтган гаплари хато эмасдек туюлди унга. Ақллилик қилиб, ҳаммани фикрига қарши чиқавериши кўпчиликка ёқмас эди.

Орадан кунлар ўтиб, имтиҳон кунлари ҳам яқинлашиб қолди. Талаба учун бу меҳнат қилиш даври. Ўқиганга осон, ўқимаган талаба анчагина қийналиши аниқ. Дониёр ҳар гал бу имтиҳонлардан осон кутилади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Аммо, Шерзод учун осон бўлмади. Битта фандан қайта-қайта имтиҳон топширавергач, Дониёрнинг сўзига қулоқ тутмаганидан ва дарсларга кирмаганидан пушаймон бўлди. “Дониёрнинг айтганлари тўғри экан. Аслида, унга қарши чиқиб, мен адашибман”, - деди ўзига ўзи.

Ҳар гал бирор ишга қўл урар экансиз, сизга кимдир қарши чиқишидан қатъи-назар, ўз тафаккурингизга суянинг. Унутманг, ўзига бўлган ишонч чорасизни ночорлиқдан, камбағални пулсизликдан, илмсизни нодонликдан қутқаради.

Зулфизар Мавлонова,
“ВУО” мухбири.

К уни кеча таксида кетаётиб, икки нотаниш инсоннинг суҳбатига беихтиёр қулоқ тутдим. Уларнинг гаплари тенгдошларим бошидан ўтаётган ҳолатнинг тўлиқ аксидек туюлди.



ИШ ИЗЛАБ, адашган ёшлар

Таксичи йигит: “Мен олий маълумот-лиман. Бир неча йил ўқиб, диплом олдим. Лекин, орзу қилган касбимда иш тополмаганим сабаб киракашлик қилиб юрибман. Оила боқиш керак, вақт кутмайди”, - деса, унинг ёнидаги йўловчи: “Дардимиз бир экан, мен ҳам институтни тамомлаганман. Иш сўраб борган жойларимдан бири пул сўради, сўрамагани тажриба талаб қилди. Энди ўқишни битириб келаётганларнинг “танкаси” бўлмаса, иш топиши жуда қийин. Ўзбекистонда яхши даромад тополмаганим учун четга кетдим. У ерда ҳам қийинчилик жуда кўп бўлди. Оиламиз, ҳатто, бузилиш даражасига ҳам келиб қолди”, - деди.

Бу суҳбат ҳали ўқишни тамомлаган бўлмасам-да курсдошларим орасидаги гапларга жуда ўхшаш. Улар ҳам радио, телевидениега иш сўраб, боришганда, улардан тажриба талаб қилишган. Соҳадан йироқ бўлган ташкилот эшигига “бош суқишган”да эса... таъбни хира қиладиган ҳолатга дуч келишган: ахир, иш сўраб бораётган одамнинг 500\$ ёки 1000\$ берадиган пули бўлганда, иш сўраб юрармиди?! Натижада ёшларнинг кўпи ўзи ёқтирган, ўзи хоҳлаган ишида ишлай олмади. Ҳафсаласи пир бўлади.

Ачинарлиси, олийгоҳларни тугатган ёшлар ўзи орзу қилган йўналишда эмас, кун кўриш учун тўғри келган соҳада ишлашга

мажбурий йўл танлашмоқда. Четга ишлашга кетаётганларнинг кўпайгани ҳам бежиз эмас. Юртида муносиб маош тополмаган йигит-қизлар чет элдан умид қилишмоқда. У ерда ҳам осон йўл йўқ: тил билмаслик, мослашиш, қийин меҳнат шaroитлари, узоқ йиллик сарсон-саргардонлик. Бу ҳолатга қандай баҳо бериш мумкин?! Бу вазият ёшларнинг даңгсалигидан эмас, балки, жамиятда ечимини кутаётган масалалар эътиборсизлик бўҳронидла қолиб кетаётганидан дарак. Меҳнат бозори билан таълим ўртасидаги мослик етишмайди. Амалиётга эътибор кам, ёш мутахассисни қўллаб-қувватлаш эса етарли даражада эмас. Олий маълумотнинг ўзи ишга тайёр кадр бермайди. Билим, кўникама ва энг муҳими, амалиёт бўлиши керак.

Бугун бу ҳолатни тан олиш, муаммони очик гапириш ва ечим учун масъул томонларнинг ҳаракати зарур. Таълим тизими билан меҳнат бозори ўртасида мустаҳкам боғлиқлик бўлиши, ёшлар амалиётга кенг жалб этилиши, ишга киришда адолатли ва шаффоф тизим яратилиши керак. Зеро, ҳар бир ёшнинг касбда ўз ўрнини топиши юрт тараққиётининг ҳам асосий омилларидан биридир.

Дилнавоз Тўхтаева,
“ВУО” мухбири.

Ҳикоя

СОМОНХОНАДАГИ ЎТ

Янги йил... Уйлар
сершовқин. Йўллар
тирбанд. Ҳамма
қаергадир шошган.
Ҳавода ёқилган кўмир
ҳиди анқиб турибди.
Барча янги йил
киришини интиқлик
билан кутмоқда.
Ёзиқ дастурхонларда
меҳмонлар учун энг
сархил ноз-неъматлар
тортилган.

ёхуд пақилдоқ
қолдирган армон

Деразадан қараб турар эканман,
ҳаётимдаги ҳамма нарсани
ўзгартиб юборган ўша кун ҳақида
яна беҳосдан ўйлашни бошлайман.
Ойимнинг: “Бор, ҳамманг кўчада
ўйна!” - деган гапи бизга мойдек
ёқиб тушди. Ичига зах ўтиб
кетган бўлишига қарамасдан,
эски ковушларимизнинг таг
патакларини олиб ташлаб, кўча
томон чопа кетдик. Ўйнаб юрган
эдик, бирдан дўстим Акмал гап
бошлади:

- Шоди амаки дўконига
пақилдоқ олиб келибди. Агар
ойинг ва даданга айтмасаларинг,
сизларга олиб бераман. Фақат
озгина ақчасини қимматроқ
тўлашларингга тўғри келади, -
деди.

Ҳаммамиз бир варакайига
“Оламит”, - дедик. Шу пайт узоқдан
Акмалнинг онасини қақирган
овози эшитилди. Кун ҳам кеч бўлиб
қолганди, ҳаммамиз уй уйимизга
тарқалишдик.

- Ойи, пул беринг? - дедим уйга
кирар-кирмас.

- Нима қиласан, пулни? Байрам
эшик қоқиб турибди. Озгина
шошмай тур!

Ойим гапини тугатиб-
тугатмасдан, бешикдаги
синглим ғингший бошлади.
Бирдан ичимга шайтон оралади.
Даҳлиздан чиқиб, ойим ва дадам
ётадиган хонага оҳистагина
кирдим. Дадамнинг кийимлари
орасида доим пул бўлган.
Қўлимга бир қанча танга ва
қоғоз пуллар илингандек бўлди.

Ҳаммасини олиб, чўнтагимга
солдим-у, яна эшикни ёпиб,
уйдан кўчага чиқдим. Акмалнинг
ёнига бориб, пулларни бердим.

-Яшавор, йигит бола! Мана,
сенга ваъда қилинган бир пачка
пақилдоқ ва бир дона салют. Фақат
буни мендан олганингни бировга
гуллаб юрмагин-а, тагин.

Акмал мени жуда қаттиқ
огоҳлантирди. Ойим йўқлигимни
пайқамаслиги учун уйга
югурдим. Қўлимдагиларни
сомонхонага яширдим. Бу ҳақида
фақат синглим Моҳирага шип-
шиб қўйдим. Синглим билан
қизиқишимиз устунлик қилиб,
қоронғу тушганига қарамай,
сомонхонада пақилдоқ ёқиб
кўрмоқчи бўлдик. Узоқдан туриб,
пақилдоққа ўтни элаштирдим-
да, кўзимни юмиб, тўғри келган
томонга қараб отдим. Ахир,
бундан олдин мустақил ўзим
уни ишлатиб кўрмаган эдим-да.
Кутилмаганда бир нарса “пақ”
этди. Синглим ва мен орқамизга
қарамасдан қочдик. Акмал мени
алдамабди, чиндан зўр нарса экан.
Кейин уйга кирдик. Хаёлимда бир
нарса “ялт” этди. Пақилдоқларни
яширмасдан чўнтагимга солиб,
уйга келибман-ку! Уларни
яшириш учун печка ёнида
турган бош кийимим орасига
солиб қўйдим. Ўша кун тунда
нафасим қисиб, пешонамдан тер
чиқа бошлади. Қандайдир аччиқ
ҳид мени аллалар эди. Кўзимни
очиб қарасам, уй тутунга тўлиб
бўлган. Шундоқ хонамизга туташ

сомонхона гуриллаб ёнмоқда.
Аччиқ тутун ётоқхоналаримизни
тўлдирган. Ўзимни ўнглашнинг
имкони йўқ. Дадамнинг: “Уйгон,
ҳозир сомонхонага кетган ўт
уйга ҳам ўтиши мумкин!”- деб
судраганида ҳам ўзимга келар-
келмасдан яна ҳушимни йўқотдим.
Дадам мени “даст” кўтариб,
кўчага чопди. Ойим “Моҳира,
Моҳира!”- деб бақирар эди.
Ҳаммаси зум ўтганча, кўз олдимда
содир бўлди. Ёнгин ўчирилди,
аммо, жуда катта талафот етганди.
Дадамни ва Моҳирани “Тез ёрдам”
машинаси олиб кетди. Ёнгин
сабаби аниқланмади. Аммо,
олов пичанлар ғарами томондан
келиб чиққан, деган хулосага
келиндим. Мен ўшанда кўзимни
юмиб, пақилдоқни отганимни ва
орқамизга қарамасдан, Моҳира
билан уйга югурганимизни
эсладим.

Ичимдаги ўзимга бўлган нафрат
“уввос” тортди. Дадам анчагача
касалхонада даволанди. Синглимни
қўлчасида ёнгиндан катта из қолди.
Бир неча ой тоғамларнинг уйида
яшадик.

Бугун Янги йил. Энг қувноқ
ва энг файзли байрам. Аммо, мен
туфайли оиламизнинг бошига
тушган кун ҳали ҳануз байрам
яқинлашди, дегунча ич-ётимни
кемиради. Бу орада менинг
худбинлигим қурбонига айланган
юмалоқ кўзли синглим Моҳирани
ўйлаб, ичим ачийди...

Раҳима Атоева

Болаликдаги
шар...



Онам этагига ёпишган хаслар,
Ўчоқ боши томон борар судралиб.
Бўғзига урилар иссиқ нафаслар.
Менга нон пиширмоқ илинжда ғариб.

Зимдан жим кузатиб йиғладим беун,
Юзида дув-дув тер, кипригида нам.
Қўллари тош каби куймайди нечун?
Чўғга тушган нонни олади онам.

Дедим: она, шаҳарга кетайлик кўчиб.
Сизни шу азобдан асрардим кўпроқ.
Онам кулиб деди: ногаҳон чўчиб.
Туғилган жойингдан осонмас кетмоқ.

Қўлимда иссиқ нон, чалғидим бироз,
Сўрида дастурхон ёзарди отам.
Энг сутлик кулчани севиб ердим рост.
Қотган нонни сувга эзарди отам..!

Хуршид Неъмат

“РАҲБАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ”

Бундай учрашув ёшлар билан очиқ мулоқот ва
амалий ечимлар майдонига айланмоқда



Ёшлар муаммоларини
ўрганиш, уларнинг таклиф
ва ташаббусларини қўллаб-
қувватлаш мақсадида Олот
туманида Ёшлар ишлари
агентлиги вилоят бошқармаси
бошлиғи Шавкат Раҳмонов ва
ёшлар иштирокида “Раҳбар ва
ёшлар учрашуви” ўтказилди.

Учрашув давомида
ёшлар томонидан иш билан
таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш,
ёшлар тадбиркорлигини
ривожлантириш, таълим, фан
ва спорт масалалари юзасидан
муурожаатлар билдирилди.
Ёшларнинг таклиф ва
муаммолари тингланиб, уларнинг
аксариятига жойида ечим
топилди. Қўшимча ўрганиш
талаб этиладиган муаммолар ва
таклифларнинг ҳал қилиниши
учун масъулларга тегишли
кўрсатмалар берилди. (QR код
орқали кўринг)



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

QR код орқали эшитинг, қизиқ!

СИЗ ҚАЙСИ САНАДА ТУҒИЛГАНСИЗ?

Саналар. Бир
кўринишда оддий
бўлиб кўринади.
Бироқ, айнан, тиниб-
тинчимас олимларнинг
аниқлашича, ҳар бир
кишининг туғилган
санасига қараб, унинг
фёъл-атворини билиш
мумкин экан. Қандай
дейсизми? Қуйида
берилган QR код орқали
кириб, ўзингизни бир
синаб кўринг-чи?!



ЁЗУВДА СИЗНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИНГИЗ?

Инсон фёъл-атворида
қараб, унинг фёъл-
атворини аниқлаш
мумкин. Хўш, ёзув
қай даража унинг
сирларини фош қила
олади? Бу таҳлиллар
неча фоиз ҳақиқатга
тенг? Келинг, ушбу QR
код орқали кириб ва
ўз ёзувларингиз орқали
ўз характерингизни
аниқлашга уриниб
кўринг.



“ЙИЛНИНГ энг намунавий маҳалла ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ”

танловининг вилоят босқичи натижалари



Етакчилик – масъулият, етакчилик кўп сонли ёшлар ташвиш, муаммоларини ўз зиммасига олиш, демек. Вилоятимизда жами 516 нафар етакчилар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бири ўзига хос тажрибага эга, фаоллиги ва тиришқоқлиги билан ажралиб туради. Куни кеча “Ёшлар маркази” да мана шундай фаол ва фидойи маҳалла етакчилари ўртасида “Йилнинг энг намунавий маҳалла ёшлар етакчиси” танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан 10 та йўналиш бўйича жами 127 нафар ёшлар етакчилари иштирок этди. Танловнинг асосий мақсади маҳаллада ёшлар билан самарали ишлашни рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва турли соҳаларда намунавий тажрибаларни аниқлашдан иборат.

Танлов натижаларига кўра, қуйидаги ёшлар етакчилари “Энг яхши” деб топилди:

Жонибек Раҳматуллаев, Ёшлар тумани, “Хатча” маҳалласи, “Ёшлар баланси” тизими билан самарали иш юритган етакчи”;

Дилноза Қойирова, Бухоро шаҳридаги “Шарқ юлдузи” маҳалласи, “Ёшлар дафтари” тизими билан самарали фаолият кўрсатган етакчи”;

Шухрат Бахшуллаев, Бухоро шаҳар, “Ёшлик” маҳалласи, “Ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этган етакчи”;

Шаҳзод Орзиев, Когон шаҳар, “Бухоройи шариф маҳалласи”, Алоҳида эътиборга муҳтож ёшлар билан самарали ишлаган етакчи”;

Юсуф Асадов, Ёшлар тумани, “Дегрезон” маҳалласи, “Ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш ва

бандлигини таъминлашда ёрдам кўрсатган етакчи”;

Шаҳноза Садуллаева, Ёшлар тумани, “Биёсин” маҳалласи, “Ташқи меҳнат миграциясидан қайтган ёшлар билан самарали ишлаган етакчи”;

Озодбек Аминжонов, Когон тумани, “Б.Нақшбанд” маҳалласи, “Хуқуқбузарликка мойил ёшлар ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганлар билан ишлаган етакчи”;

Беҳрузжон Исоев, Бухоро тумани, “Хонобод” маҳалласи, “Иқтидорли ва интеллектуал ёшлар билан самарали ишлаган етакчи”;

Жаҳонгир Жўраев, Бухоро тумани, “Маданият Работ” маҳалласи, “Касб-хунарлар танловини юқори савияда ташкил этган етакчи”;

Мирфайз Муҳаммедов, Бухоро тумани, “Работқалмоқ” маҳалласи, “Ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган ва спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этган етакчи”.

Танловнинг Бухоро вилояти босқичида 1-ўринни қўлга киритган ёшлар етакчилари Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлишди. Шунингдек, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган 30 нафар етакчилар тақдирланишди.

Ғолибларимизни муносиб ютуқ билан табриклаймиз ва мамлакат босқичида юқори натижаларга эришишларини тилаб қоламиз.

Шухрат Шомуродов,
Маҳалладаги ёшлар
етакчилари фаолиятини
мувофиқлаштириш
бўйича бош мутахассис.



Ромитан туманидаги 1-мактабининг 4-синфи “Билимдон болажон” тўғараги аъзолари учун навбатдаги қизиқарли ва мазмунли “Ёш китобхон” танлови ташкил этилди. Тадбирнинг асосий мақсади ўқувчиларда китоб ўқишга муҳаббат уйғотиш, тафаккурни ривожлантириш ва ижодий фикрлашни қўллаб-қувватлашдан иборат.

“КИТОБХОН” – ҒОЛИБ

Танловда иштирокчилар “Китоб”, “Китобхон”, “Тафаккур” ва “Иқтидор” гуруҳларига бўлинган ҳолда беллашдилар. Ҳар бир гуруҳ аъзолари китоблар мазмунини билиш, матнни англаш, ижодий саволларга жавоб бериш, фикрлаш қобилиятларини шакллантиришди. Ўқувчилар ўз билимларини намоён этиш билан бирга, жамоада ишлаш кўникмаларини оширишди.

Баҳолаш жараёнида ҳакамлар ҳар бир гуруҳнинг жавоблари, фаоллиги

ва ташаббускорлигини инобатга олиб, “Китобхон” гуруҳини ғолиб, деб топди. Тадбир сўнггида ғолиб гуруҳ аъзолари, шунингдек, танлов давомида алоҳида фаоллик кўрсатган ўқувчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Келгусида ҳам шундай маърифий лойиҳалар давом эттирилиши режалаштирилган.

Наргиза Хўжаева,
Ромитан туманидаги 1-ИДУМ
бошланғич синф ўқитувчиси.

“МЕН ДОНОРМАН”

Акция

“Мен донорман” ҳафталигида иштирок этган ёшлар ихтиёрий равишда қон топшириб, ҳаёт учун курашаётган беморларга ёрдам қўлини чўзмोकда.

Бухоро туманида ҳам ёшлар етакчилари томонидан ушбу эзгу амал фаол амалга оширилди.

Ҳафталик давомида йиғилган қон онкология ва гематология бўлимларида даволанаётган бемор болаларга етказилиши режалаштирилган. Бу эса ташаббуснинг жамият учун қанчалик муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга эканини яна бир бор кўрсатади.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ

**Жорий йилда ногирон тадбиркорлар
12 миллиард сўм маблағни сақлаб қолди**

Бухоро вилоятида ногиронлиги бор шахсларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Солиқ органлари томонидан кўплаб имтиёзлар тақдим этилмокда. Мазкур кўмак натижасида ҳозирги кунда вилоятда 4 мингдан ортиқ ногиронлиги бор фуқаролар шахсий тадбиркорлик фаолияти орқали даромад топмокда.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра, I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар қатъий белгиланган солиқ тўловчиси. Улар учун солиқ ставкаси фаолият турига ва уни амалга ошириш жойига қарамай, ойлик солиқ миқдорининг 50 фоизгача камайтирилади, бироқ, ушбу имтиёз Базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

Жорий йилнинг фақат ўтган даврида берилган ушбу солиқ имтиёзлари туфайли, ногиронлиги бор тадбиркорлар ўз ихтиёрида қарийб, 12 миллиард сўм маблағни сақлаб қолиш имкониятига

эга бўлди. Бу маблағ уларга ўз фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва ҳаётий эҳтиёжларни қоплашда қўл келмокда.

Шу орқали, Солиқ органлари томонидан яратилаётган имтиёзлар ногиронлиги бор фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда муҳим қадам бўлиб хизмат қилмокда.

Алишер Очилов,
вилоят солиқ бошқармаси
масъул ходими.

Имловий хатолар тил тараққиётига
салбий таъсир кўрсатувчи жиддий муаммодир.
Уларни бартараф этиш ҳар бир фуқаронинг
маънавий масъулияти ҳисобланади.

Ўзбек тилининг “КАСАЛЛИГИ”: имловий хатоларни даволаш вақти келди

Мамлакатимизда Ўзбек тилининг Давлат тили сифатида олган “мақоми”га 36 йил бўлибди. Бундан фахрланамиз, аммо, сўнгги йилларда, айниқса, рақамли мулоқот муҳитида имло қоидаларига нисбатан бепарволик кучайгани кузатилмоқда. Афсуски, бу каби хатолар кундалик ёзишмаларда, реклама баннерларида, оммавий ахборот воситаларида, ҳатто, таълим масканларида ҳам учрамоқда. Бундай ҳолатда тилининг “касалланиши” муболага эмас, балки, реал муаммодир. Агар ўз вақтида чора кўрилмаса, бу жараён адабий тил ва миллий ўзликка жиддий зарар келтириши мумкин.

Имловий хатоларнинг келиб чиқиш сабаблари кўп. Биринчидан, турли нашрлардаги имло лугатларида айрим сўзларнинг турлича ёзилиши чалкашликка олиб келмоқда. Масалан, айрим лугатларда “октабр” ва “октябрь” каби икки хил вариантнинг мавжудлиги ёзувчида ҳам, ўқувчида ҳам иккиланиш уйғотади. Иккинчидан, мактаб даврида имло кўникмалари етарлича шаклланмаслиги, айрим ўқитувчиларнинг “барибир, тушунлади”, деган бепарво муносабати хатоларнинг кучайишига замин яратади. Учинчидан, ижтимоий тармоқлардаги тезкор ёзишмалар “шошиб ёзиш” услубини юзага келтирди ва бу услуб расмий ёзувларга ҳам кириб бормоқда. Шунингдек, чет тилларидан кириб келаётган янги сўзларнинг имлосини меъёрлашдаги муаммолар ҳам хатолар кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Имловий хатоларнинг оқибати фақат ёзувдаги камчилик билан чекланмайди. Бу маданий савиянинг пасайиши, тилга ҳурматнинг сусайиши, демакдир. Тўғри имло миллатнинг маънавий қиёфаси бўлса, нотўғри ёзилган матн эса газета-журналлар, ўқув қўлланмалари ва китобларнинг сифатига путур етказди, нашрнинг нуфузини пасайтиради. Яқинда ўтказилган ёшлар ўртасидаги сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 70 фоизи хатоларнинг асосий сабаби сифатида “тез ёзиш”ни, 22 фоизи “имло



Гулсевара Азимова,
БухДУ, Филология факультети
1-босқич талабаси.

қоидаларини билмаслик”ни, 8 фоизи эса “автоматик тузатиш” имкониятига эътиборсизлиқни кўрсатган. Бу эса муаммо билим билан бир қаторда, технология билан ҳам боғлиқ эканини англатади.

Ушбу “касаллик”ни даволаш учун ягона имло меъёрларини такомиллаштириш ва барча соҳаларда бир хил қўллаш, мактабларда имлони мустақил фан сифатида чуқур ўқитиш муҳим. Шунингдек, ОАВда имло маданиятини тарғиб этувчи лойиҳаларни йўлга қўйиш, ташқи реклама воситаларидаги ёзишмаларни қатъий назорат қилиш ҳамда нотўғри ёзилган баннерлар учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тизимини йўлга қўйиш керак. Замон билан ҳамнафас тарзда имловий саводхонлиқни оширишга қаратилган мобил иловалар яратиш, масалан, “Бехато ёзамиз” каби интерактив ўйинлар ташкил этиш ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Хулоса қилиб айтганда, имловий хатоларни бартараф этиш - келажак авлодга соф, адабий ўзбек тилини мерос қолдириш, демакдир. Ҳар бир бехато ёзилган сўз миллий ўзликни асраш сари қўйилган қимматли қадам. Демак, имловий “касаллик”ни даволаш вақти келди.

Правовое мышление человечества формировалось на протяжении тысячелетий и лишь после длительного исторического пути достигло уровня современных демократических конституций. Сегодня Конституция выступает главным правовым основанием государства: она закрепляет устройство государственной власти, определяет взаимодействие институтов управления и гарантирует права и свободы граждан. Однако такой уровень правового регулирования стал итогом многовековой эволюции. Уже в глубокой древности возникла потребность в устойчивом порядке, и появились первые нормы, регулирующие общественные отношения.

Одним из первых дошедших до нас правовых памятников является Свод законов Хаммурапи, созданный в Древнем Вавилоне. Он содержал нормы, касающиеся имущественных и семейных отношений, общественного порядка и системы наказаний, став образцом ранней правовой систематизации. Существенное значение имели и реформы Солона в Древних Афинах, которые закрепили важность верховенства закона

и способствовали становлению правовой культуры античного общества. Эти источники заложили основы юридической мысли, на которых строилось дальнейшее развитие правовых систем.

В XVII–XVIII веках Европа пережила период интенсивного философского и научного развития, что привело к формированию новых правовых концепций. Мыслители Джон Локк, Шарль Луи Монтескье и Жан-Жак Руссо

2025-yil, dekabr, № 24 54 МИНГ

оилага моддий ёрдам пуллари топширилди

Зарнигор Нафиддинова

Бухорода ҳам эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида эзгу амалга қўл урилиб, бир марталик моддий ёрдам конвертлари хонадонларга етказиб берилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 2 апрелдаги ПҚ-134-сон қарорига мувофиқ, 2025/2026-йилги иситиш мавсумида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига 1 миллион сўмдан моддий ёрдам ажратиш тўғрисидаги қарор ижросидир.

Бухоро вилояти бўйича 54 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилган. Улар билан бир қаторда, ўтган йилда камбағалликдан чиқиб, қайта камбағаллик хавфи гуруҳига тушиш эҳтимоли бўлган 2,6 минг оила ҳамда болаларни патронатга олган 46 та оила ҳам давлат ёрдамидан четда қолмади. Ўтган даврда компенсация ва ёрдамлар бўйича 69,7 мингта ариза кўриб чиқилган. Базавий меъёрдан юқори истеъмол қилган 16,4 минг оилага 895,2 миллион сўм компенсация тўланган. Фақатгина ўтган йилги иситиш мавсумининг ўзида 4,1 минг оила мурожаат қилган бўлиб, шулардан 1,7 минг нафарига 166,1 миллион сўм тўлов амалга оширилган. Жорий мавсумда эса



аҳоли учун бир марталик ёрдам пулини тўлаш мақсадида 54,7 миллиард сўмлик маблаг тижорат банкларига йўналтирилган.

Қоровулбозор туманидаги “Тинчлик” маҳалласида 5350 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ижтимоий ҳимоя ишлари изчил давом этмоқда. 120 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро, 35 та камбағаллик реестридаги оила ва 13 нафар якка-ёлғиз кексалар истиқомат қилади. Мавжуд муаммоларни камайтириш мақсадида 99 нафар эҳтиёжманд фуқарога куз-қиш мавсумида коммунал тўловларни қоплаш учун махсус моддий ёрдам конвертлари топширилган.

Шу маҳаллада яшовчи, I-гурӯх ногиронлиги бўлган Нилуфар Намозова учун бу ёрдам аини дамда катта маънавий куч бўлди. У 17

йилдан бери оғир касаллик билан курашиб келади, икки йилдан бери аравачада ҳаракатланади. Маҳалла ижтимоий ходими унинг хонадон ҳолатини ўрганиб, ассистент хизматларини ташкил этган, зарур воситалар, жумладан, ногиронлар аравачаси ва тирсак ҳассаси билан таъминлаган.

Нилуфар опа олдин йигилиб қолган коммунал қарзларининг тўлиқ ёпилгани ҳақида сўзлади:

“Йиллар давомидаги машаққатларим давомидаги ҳар бир эътибор мен учун умид бўлиб келди. Бир марталик ёрдам, ассистент хизмати буларнинг барчаси ҳаётимни энгиллаштирди. Эътиборсиз қолдиришмагани учун миннатдорман”, - дейди у.

Зарнигор Нафиддинова

ҲАР ИНСОН ҚАДРЛИ ИЖТИМОЙ ИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ ХУСУСИДА

Дилором Соҳибова

Ҳар бир жамиятнинг асосий вазифаларидан бири ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларга тенг имкониятлар яратишдир. Уларга нисбатан камситишга йўл қўймаслик ва ҳаётнинг барча соҳаларида иштирокини таъминлаш муҳим.

Бу инсонпарварлик ва адолатнинг асосий кўрсаткичи саналади. Ўзбекистонда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ногирон шахсларни ҳимоя қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонунлар уларнинг жамиятда тўлақонли иштирокини ва салоҳиятини эркин



намоён этишини таъминлайди.

Ижтимоий иш, нафақат, ёрдам кўрсатиш, балки инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва тенгликни кучайтиришда самарали воситадир. БМТ, ЖССТ, Халқаро

ижтимоий ишчилар федерацияси каби ташкилотлар ногирон шахсларга нисбатан дискриминация ва ижтимоий ажратишга қарши курашда ёрдам беради. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси (CRPD) ижтимоий ишни халқаро ҳуқуқий даражага кўтарди.

Ижтимоий ишчилар, нафақат, шахсга ёрдам берадилар, балки, унинг атрофига ҳам ижобий таъсир кўрсатадилар. Улар жамиятда ногирон шахсларга нисбатан самимий муносабатни шакллантиришда муҳимдир.

Ижтимоий ишчилар оила, маҳалла, таълим ва иш жойларида инклюзивлиқни таъминлайдилар.

Шу билан ижтимоий иш инсонпарварлик, профессионалик ва фуқаролик масъулияти билан боғлиқ муҳим фаолиятдир. У орқали барча учун тенг имкониятлар яратиш, ҳамжихатлик ва ҳамдўстлик муҳитини шакллантириш мумкин.

ПРАВОВОЕ РАЗВИТИЕ

сформулировали идеи естественных прав человека, разделения властей и общественного договора. Их труды придали теоретическую глубину анализу взаимоотношений между государством и личностью и стали фундаментом для последующего развития конституционализма.

Практическое воплощение эти идеи получили в Конституции США 1787 года, которая остаётся старейшей действующей конституцией мира. В документе были чётко закреплены принципы разделения властей, система сдержек и противовесов, а также основные гражданские свободы. Вслед за этим во Франции была принята Декларация прав человека и гражданина (1789–1791),

провозгласившая универсальные ценности свободы, равенства и справедливости. Декларация оказала значительное влияние на формирование правовых систем многих государств и закрепила идею общечеловеческих прав.

В XX веке мировые войны ускорили процессы политических преобразований: десятки стран обрели независимость и утвердили собственные конституции. В этот период началось международное институциональное оформление прав человека, что привело к признанию их универсального характера и укрепило роль конституций как основного гаранта прав и свобод личности.

Сегодня почти каждое государство мира имеет свою конституцию, содержание которой развивается в соответствии с вызовами времени и потребностями общества. Конституции укрепляют стабильность государств, защищают права граждан и обеспечивают прозрачность деятельности власти. Таким образом, путь правового развития, начавшийся в глубокой древности, привёл человечество к современному демократическим ценностям и сформировал прочный фундамент для дальнейшего общественного прогресса.

Дилбар Ғафурова,
преподаватель Бухарского
государственного
педагогического института.

НОТАРИАТДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Нотариатда янги босқич: ислохотларнинг сиёсий аҳамияти ва жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаб бера олади.



Газетамиз муҳбири шу хусусда суд органлари ходимларини суҳбатга жалб этди.

Журналист: Бугун биз Бухоро вилоят суди ва нотариат соҳасида янгиланишлар ҳақида суҳбатлашамиз. Аввало, “Нотариат нима ва унинг аҳамияти қандай?” деган саволга жавоб олсак.

Нодир Файзиев (Бухоро вилоят суди раиси ўринбосари): Нотариат - бу давлатга оид ҳуқуқий тизим бўлиб, фуқаролар ва ташкилотлар орасидаги ҳуқуқий жараёнларни расмийлаштиришга хизмат қилади. У битимлар, васиятномалар, ишончномалар, мулк сотиб олиш-сотиш каби ҳужжатларни ҳуқуқий кучга эга қилиб расмийлаштиради. Оддий тил билан айтганда, нотариат инсонлар ўртасидаги муносабатларни қонун асосида мустаҳкамлайди ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди.

Журналист: Рақамлаштириш ва электрон тизимларнинг жорий этилишига қандай эътибор қаратилмоқда?

Икром Тошов (Бухоро вилоят суди судьяси): 2025–2027 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” нотариатни тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган. 2025 йилдан бошлаб никоҳ шартномалари мажбурий равишда электрон базада сақланади. Нотариал ҳаракатлар аудио ва видеоёзувлар орқали тизимга киритилади. 2026 йилдан эса фуқароларнинг шахсини идентификация қилишда биометрик маълумотлардан фойдаланиш йўлга қўйилади. Бу жараёнларнинг шаффофлигини ва хавфсизлигини таъминлайди.



Журналист: “Бир дарча” принципи ва кўчмас мулк билан боғлиқ янгиланишлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

Феруз Шаропов (Бухоро вилоят суди Ахборот хизмати раҳбари): 2026 йилдан бошлаб кўчмас мулкка оид барча битимлар нотариус орқали автоматик тарзда давлат рўйхатидан ўтказилади. Бу солиқ, энергия ва сув таъминоти тизимлари орасида маълумот алмашинувини автоматлаштиради. Ортиқча сарсон-саргардонликлар камаяди ва коррупция эҳтимоли деярли йўқолади.



Журналист: Ушбу қарор нотариат соҳасида қандай янгиланишларни олиб келади?

Шухрат Аббосов (Бухоро вилоят суди судьяси): Президент қарори нотариатда янги босқични бошлайди. Ушбу қарор фуқаролар ва тадбиркорлар учун судга бормасдан, тез ва қулай ҳуқуқий ечим олиш имконини яратлади. Масалан, ижро хатлари, ижара тўловлари ёки коммунал қарзлар каби оддий масалаларни нотариус орқали ҳал қилиш мумкин бўлади. Бу судларнинг юкини камайтиради ва фуқароларнинг адолатга етишишини тезлаштиради.



Журналист: Қарорда ёш чегарасини 70 ёшгача кўтариш ва малакани тасдиқлаш тартиби ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Бу қандай самара беради?



Сарвиноз Қамбарова (Бухоро вилоят суди судьяси): Бу ўз соҳасида катта тажрибага эга мутахассисларнинг фаолиятни давом эттиришига шароит яратди. Шу билан бирга, нотариус бўлишни истаганлар учун ягона танлов тизими жорий қилинмоқда: тест синовлари, амалий топшириқлар ва электрон платформа орқали баҳолаш коррупция хавфини камайтиради ва ҳақиқий малака асосида нотариусларни танлаш имконини беради.

Журналист: Якуний фикрингиз, бу қарор фуқаролар ва мамлакат учун қандай аҳамиятга эга?

Нодир Файзиев: Бу қарор нотариат соҳасини тартибга солишдан ташқари, фуқароларнинг давлатга ишончини мустаҳкамлайди, ҳуқуқий хизмат сифати ва тезкорлигини оширади. Шунингдек, тадбиркорлар учун ишончли кўтариб, мамлакатнинг халқаро рейтингига ижобий таъсир кўрсатади. Тубдан янгиланган, рақамлаштирилган нотариат тизими бугунги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини намоён этади.

Суҳбатдош: Зулфизар Мавлонова

Суд мустақиллиги ва очиқлигининг янги босқичи

Президентимиз 2025 йил 24 ноябрда қабул қилган Фармон суд-ҳуқуқ тизимини янада очиқ, самарали ва мустақил қилишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Маълумки, ушбу фармоннинг асосий йўналишлари Шаффофлик ва ҳисобдорлик, Судьяларнинг алмаштирилмаслиги, Очиқ танлов орқали раҳбарлар тайинланиши, Номзодларни холис саралаш, Гендер тенглик ҳамда Одоб-ахлоқ қоидаларидан иборат.

Ушбу ислохотлар судьялар мустақиллигини кучайтиради,

жамоатчилик ишончини оширади, коррупция хавфини камайтиради ва халқаро стандартларга мос замонавий суд тизимини шакллантиради.

Фармон суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичини бошлаб, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ориф Қўлдошов, Бухоро вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси.



ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАР ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ

Бугун экология глобал сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалага айланган. Турли таъсирлар табиатга катта зарар етказмоқда.

Ҳаво ифлосланиши, сув танқислиги, Орол фожиаси, чиқиндиларнинг кескин кўпайиши ва иқлим ўзгариши энг катта экологик муаммолар сифатида

намоён бўлмоқда. Транспорт ва саноат чиқиндилари ҳавога зарарли моддалар тарқатиб, глобал исишни кучайтирмоқда. Шу билан бирга пластик чиқиндиларнинг кўпайиши

ва қайта ишлашнинг етарли даражада эмаслиги ифлосланишни кўпайтирмоқда. Иқлим ўзгариши эса қургўқчилик, ҳосилдорликнинг пасайиши ва озиқ-овқат

Табиат - бизнинг амримизда эмас, омонатимиздир

Бугун атроф-муҳитни асраш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Инсон қўли билан яратилган саноат, шиддат билан ўсиб бораётган шаҳарлар ва чексиз истеъмол маданияти табиатнинг асрлар давомидидаги мувозанатини издан чиқармоқда. Аммо, табиат бу фақат ресурслар манбаи эмас, у бизнинг ҳаётимиз, саломатлигимиз ва келажагимиз, демакдир.

Инсон табиатни эмас, табиат инсонни боқади. Агар биз ҳавони ифлосласак, сувни исроф қилсак, ерни меҳнатсиз эксплуатация қилсак, бунинг оқибати, аввало, ўзимизга қайтади. Тоza ҳаво, соф сув ва яшил муҳит ҳар бир инсоннинг энг оддий, аммо энг улуғ ҳуқуқидир.

Табиатни асраш катта лойиҳалар ёки давлат

дастурларидан бошланмайди. У кичик қадамлардан: ён-атрофимизни тоза сақлашдан, бир дарахт эккандан, сувни тежашдан, чиқиндини тўғри ташлашдан бошланади. Ҳар биримизнинг биргина масъулиятли ҳаракатимиз ҳам умумий ишга улкан ҳисса қўшиши мумкин.

Бизнинг бурчимиз табиатга зиён етказмаслик,

шунингдек, уни келажак авлодга янада бой, янада мусаффо ҳолда етказишдир. Чунки табиат фақат бизники эмас, у фарзандларимизга қоладиган муқаддас омонатдир.

Малик Бобоев, Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди тергов судьяси.

хавфсизлигига таҳдид солади.

Экологик муаммоларнинг таъсири туфайли инсон саломатлиги йўқолади, ҳосилдорлик пасаяди, биохилма-хиллик камаяди. Бу ўз-ўзидан экосистемаларнинг издан чиқишига олиб келади.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун амалий чоралар зарур. Аввало, экологик таълим ва маданиятни ошириш орқали жамиятда табиатга онгли муносабатни шакллантириш лозим. Чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш, янгиланувчи энергия манбаларига ўтиш, дарахт экиш ва яшил ҳудудларни кўпайтириш экологик

барқарорликни таъминлайди. Сувдан тежамкор технологиялар билан фойдаланиш ва экологик назоратни кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса шуки, табиатни асраш, бу фақат экологлар эмас, балки ҳар бир инсоннинг бурчи. Табиат - бойлигимиз. Шу бойликни асраб-авайлаш орқали биз келажак авлод учун муносиб ва хавфсиз муҳит яратиб борамиз.

Шавкат Қувватов, Бухоро вилоят суди судьяси, Зафар Шаропов, Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман суди раиси.



ФУҚАРОЛАР

МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ

Бухоро вилоят суди раҳбарияти сайёр қабул ўтказди

Яқинда Бухоро вилоят суди раиси Уйғун Рўзиев ва суд раисининг ўринбосарлари Қорақўл туманида сайёр қабул ўтказди.

Қабул давомида фуқаролар суд ишларининг кўриб чиқирилиши, қарорларнинг ижро этилиши, уй-жой ва оилавий низолар, меҳнат муносабатлари, никоҳдан ажратиш, жарималарни камайтириш ҳамда жазодан муддатидан илгари озод қилиш каби масалалар бўйича муурожаат қилишди. Ҳар бир муурожаат аниқ ҳуқуқий тушунтиришлар ва амалий кўмак билан таъминланди. Сайёр қабул давомида махсус суд

мажлислари ҳам ташкил этилди. Унда 12 нафар маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди. 10 нафардан ортиқ фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлари кўриб чиқилди. 1 та жиноят иши тарафларнинг ярашуви орқали яқунланди.

Бундай сайёр қабул ва суд мажлислари фуқароларнинг муаммоларини тез ва самарали ҳал қилишга хизмат қилади.

Бухоро вилоят суди раҳбарияти бу каби халқ билан мулоқот тадбирлари вилоятнинг барча ҳудудларида мунтазам ташкил этилиши режалаштирилганини билдирди.

Бобораҳим Очилов,
Жиноят ишлари бўйича Қорақўл
туман суди раиси.
Дилмурод Қулиев,
туман суди тергов судьяси.

ФИРИБГАР

ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Бухоро шаҳридаги гўзаллик салоҳида ишловчи Д.Б. исмли аёл уч нафар тадбиркорнинг ишончини қозониб, улардан “ўтказиб бераман”, “Европадан катта пул келади” каби баҳоналар билан қимматбаҳо тилла тақинчоқлар ва кийим-кечакларни олган.

У тилла ва зеб-зийнатларни сотиб, пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган. Жами ўн минглаб долларлик мулкни фибрибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд тергови давомида у аввал инкор этган бўлса-да, кейин айбини тўлиқ тан олди ва ҳар уч жабрланувчининг зарарини қоплади. Жабрланувчилар унинг салонда ишлаши ва ширинсуханлиги сабаб ишонганини айтган.

Суд Д.Б.нинг айбини ЖКнинг 168-моддаси, 3-қисми “б” банди билан (такроран фибрибгарлик) малакалаб, унинг аёллиги, оилавий шароити, айбини тан олгани ва зарарни қоплаганини ҳисобга олиб, озодликдан маҳрум этмади. Унга 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шухрат Тўхтаев,
Бухоро вилоят суди судьяси
Бобораҳим Очилов,
Жиноят ишлари бўйича
Қорақўл туман суди раиси.

КОРРУПЦИЯНИ

ЕНГИШ - КЕЛАЖАКНИ

ПОКЛАШДИР

Коррупция жамиятнинг энг хавфли иллатларидан бири бўлиб, у адолатни издан чиқаради, иқтисодий ривожланишни секинлаштиради ва инсонлар ишончини йўқотади. Унга қарши кураш эса фақат давлат органларининг эмас, ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Коррупция мавжуд жойда қонун устуворлиги бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳада очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш асосий вазифадир. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, хизмат вазифасини шахсий мақсадда суниистеъмол қилмаслик ва ҳалоллик тамойилига қатъий амал қилиш адолатли жамиятнинг пойдевори ҳисобланади.

Энг муҳими, коррупцияга “кичик”, деб қаралган ҳар қандай

йўл ноқонуний ёрдамдан бошланади. Шунинг учун ҳар бир инсон ўзида масъулият ва қатъиятни тарбиялаши, “бир сўмлик” коррупцияга ҳам кескин рад жавоби бериши керак.

Коррупцияни енгиш, бу - келажакни поклаш, давлатга ишончни мустаҳкамлаш ва фарзандларимиз учун адолатли жамият яратиш, демакдир.

Турсунбой Тангриев,
Бухоро вилоят суди судьяси.

Бош Қомусимиз қабул қилинганига 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида мамлакат сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда тубдан ўзгарди. Жумладан, Конституциянинг аҳамиятини қайта кўриб чиқиш ва замон талабларига мос равишда такомиллаштириш долзарб вазифага айланди.



АДОЛАТЛИ

ЖАМИЯТ САРИ

2017–2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегияси доирасида 300 га яқин қонун ва минглаб Президент қарорлари қабул қилиниб, инсон ҳуқуқлари, давлат идоралари ҳисобдорлиги, фуқаролик жамияти ва ОАВ ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя ва камбағалликни қисқартириш соҳаларида катта натижаларга эришилди.

Бу ислохотлар асосида 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилиб, етти устувор йўналиш белгилаб олинди. Улардан бири – адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўлиб, бу йўналишда фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш, мансабдор шахсларнинг қарорларини судда асослаб бериш мажбурияти, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар реестрини яратиш каби муҳим вазифалар белгиланди. Жазони ўтаб чиққан шахсларни

қўллаб-қувватлаш тизими ҳам йўлга қўйилмоқда.

Таъминланиши лозим бўлган яна бир муҳим масала, бу - инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашдир.

Стратегиянинг биринчи устувор йўналиши сифатида маҳалла орқали этиш, муурожаатларни электрон тартибда назорат қилиш, шаффофлик ва жавобгарликни ошириш белгиланган.

Маълумки, бугун буюк ўзгариш ва юксалишлардан дарак берадиган “Янги Ўзбекистон” атамаси остида яшаймиз. Янги Ўзбекистонда эркин, адолатли ва инсонпарвар жамият барпо этиш мақсад қилинган экан, демак, мамлакатимизда барча йўналишларда юксалишларга бошловчи изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу эзгу гоёлар халққа хизмат қилишдек улуг йўлга чорлайди.

Муниса Махсудова,
Ади́за Раҳма́това,
Бухоро туманлараро
иқтисодий суди судьялари.

“НАФСИМ МЕНИНГ

БАЛОДИР...”

“Нафсим менинг балодир, ёнар ўтга солодир” халқимиз орасида бежизга айтилмаган.

Инсон қалби қанча соф бўлмасин, нафс, деган балонинг вазвасаси йўлдан оздириши мумкин. Бугун ҳам ана шу аччиқ ҳақиқатни тасдиқловчи воқеаларга гувоҳ бўляпмиз.

Судланувчи Шабнам Далерова (исм-шариф ўзгартирилган) нафсига берилган, ўзи билмаган ҳолда гуноҳ домига қадам қўйганлардан бири бўлди.

Тунги соат 22:20. Когон тумани, Саидобод қишлоғидаги озиқ-овқат дўкони. Айнан, шу жойда Шабнам ўз тақдирини ўзгартириб юборадиган хатоликка йўл қўйди. Дўконда одам йўқлигидан фойдаланиб, у шиша эшикни синдириб, ичкарига кирди.

Бир лаҳзалик хоҳиш уни ҳақ йўлдан бурди. Токчадан баҳоси 500 000 сўмлик “Redmi note-7” телефонни олди. Сумка ичидан 200 000 сўмлик “Mikromaks” телефонни ҳам яширинча эгаллади. Устига-

устак, 700 000 сўм пулни ҳам олиб, ҳодиса жойидан изсиз ғойиб бўлди. Жабрланувчига жами 1 400 000 сўм зиён етказди.

Бу иш судга ошди. Когон туман суди томонидан жиноят ҳолати атрофлича ўрганилди. Натижада Шабнам Далерова Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятда айбли, деб топилди. Унга ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Агар Шабнам ўша лаҳзада нафсини жиловлаганида, эҳтимол, бугун осуда юрарди.

Шунинг учун ҳам доим хушёр бўлайлик. Нафс ўпқони йўлнинг бошида, оқибати эса англашинмас чуқурликдадир.

Қосим Холов,
Жиноят ишлари бўйича
Когон туман суди раиси.



ЯНВАРЬ	ФЕВРАЛЬ	МАРТ	АПРЕЛЬ	МАЙ	ИЮНЬ
ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС
1 2 3 4	1	1	1 2 3 4 5	1 2 3	1 2 3 4 5 6 7
5 6 7 8 9 10 11	2 3 4 5 6 7 8	2 3 4 5 6 7 8	6 7 8 9 10 11 12	4 5 6 7 8 9 10	8 9 10 11 12 13 14
12 13 14 15 16 17 18	9 10 11 12 13 14 15	9 10 11 12 13 14 15	13 14 15 16 17 18 19	11 12 13 14 15 16 17	15 16 17 18 19 20 21
19 20 21 22 23 24 25	16 17 18 19 20 21 22	16 17 18 19 20 21 22	20 21 22 23 24 25 26	18 19 20 21 22 23 24	22 23 24 25 26 27 28
26 27 28 29 30 31	23 24 25 26 27 28	23 24 25 26 27 28 29	27 28 29 30	25 26 27 28 29 30 31	29 30
30 31					
ИЮЛЬ	АВГУСТ	СЕНТЯБРЬ	ОКТАБРЬ	НОЯБРЬ	ДЕКАБРЬ
ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС	ПН ВТ СР ЧТ ПТ СБ ВС
1 2 3 4 5	1 2	1 2 3 4 5 6	1 2 3 4	1	1 2 3 4 5 6
6 7 8 9 10 11 12	3 4 5 6 7 8 9	7 8 9 10 11 12 13	5 6 7 8 9 10 11	2 3 4 5 6 7 8	7 8 9 10 11 12 13
13 14 15 16 17 18 19	10 11 12 13 14 15 16	14 15 16 17 18 19 20	12 13 14 15 16 17 18	9 10 11 12 13 14 15	14 15 16 17 18 19 20
20 21 22 23 24 25 26	17 18 19 20 21 22 23	21 22 23 24 25 26 27	19 20 21 22 23 24 25	16 17 18 19 20 21 22	21 22 23 24 25 26 27
27 28 29 30 31	24 25 26 27 28 29 30	28 29 30	26 27 28 29 30 31	23 24 25 26 27 28 29	28 29 30 31
	31			30	



MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Obidjon Hamidov
Shuhrat Jumayev
Jamol Nosirov
Dilshod Yo'ldoshev
Mirshod Ochilov

TAHRIIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Photo Express" XICH ofset
usulida 1407 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 25.12.2025 yil

www.buxoro-yoshlari.uz сайти орқали биз билан бирга бўлинг.